

Ижтимоий таътиллер қандай ҳолатларда тақдим этилади?



Ходимларга оналик, болаларни парваришlash, таълим олиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек бошқа ижтимоий мақсадларда бериладиган таътиллер ижтимоий таътиллердир. Меҳнат қонунчилигига кўра, хомиладорлик ва туғиш таътиллари, бола парваришlash таътили, ўқув таътили, ижодий таътиллер ижтимоий таътиллер сифатида баҳоланади.

Аёлга туғруққача етмиш календарь кун ҳамда туғруқдан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёхуд икки ёки ундан ортиқ бола туғилган тақдирда етмиш календарь кун) хомиладорлик ва туғиш таътили берилади.

Бунда ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўланади.

Хомиладорлик ва туғиш таътили аёлга жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилиб, туғруққача ҳақиқатда фойдаланилган кунлар сонидан қатъи назар, тўлиқ берилади.

Аёлга унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунига қадар уни парваришlash учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришlash таътиллари даврида ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллернинг кўпи билан олти йили меҳнат стажига қўшилади, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшиб ҳисобланади.

Келгусидаги йиллик меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига, агар жамоа шартномасида, шунингдек ташкилотнинг ички ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, болани парваришlash таътиллари вақти киритилмайди.

Олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган ходимлар учун ҳам ўзига хос кафолатлар тақдим этилади. Кириш имтиҳонларида иштирок этишга рухсат берилган ходимларга олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларини топшириш учун камида ўн беш календарь кун муддатга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади, таълим ташкилотлари жойлашган ерга бориш ва қайтиб

келиш вақти бу ҳисобга кирмайди.

Фуқаролик Ишлари бўйича Термиз туманлари суди судяси Ф.Аллаяров